

ЎЎЗАНИ БУХОРО-102 НАВИ ЭКИШ УСУЛИ ВА ЧИЛПИШ МУДДАТЛАРИНИ ПАХТА ХОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Нумонова Дилрабо Мўминжоновна

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, таянч докторант

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6650836>

Аннотация. Ушбу мақолада ўзани Бухоро-102 нави экиш усули ва чилпиш муддатларини пахта хосилдорлигига таъсири ҳақида сўз боради

Калим сўзлар: ўза, чилпиш, пахта, ҳосилдорлик

СПОСОБ ПОСЕВА ХЛОПЧАТНИКА СОРТА БУХАРА-102 И ВЛИЯНИЕ СРОКОВ ОТЖИМА НА УРОЖАЙНОСТЬ ХЛОПЧАТНИКА

Аннотация. В данной статье рассматривается способ посева хлопчатника Бухара-102 и влияние времени отжима на урожайность хлопка.

Ключевые слова: хлопок, чилпиш, хлопок, урожайность.

INFLUENCE OF SOWING METHOD OF COTTON BUKHARA-102 VARIETY AND GINNING PERIODS ON COTTON YIELD

Abstract. This article discusses the method of sowing cotton Bukhara-102 and the effect of spinning times on cotton yield.

Keywords: cotton, chilpish, cotton, yield

КИРИШ

Республикамиз қишлоқ хўжалигида кейинги йиллари ресурстежамкор агротехнологияларни кенг миқёсда жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “30-мақсад - тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш, ҳамда 31-мақсад - сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига камида 7 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш”¹ муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган. Пахтачиликда ер, сув ва табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳисобига пахтадан мўл ва сифатли, арзон, рақобатбардош, жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган пахта ҳосили етиштиришни таъминлай оладиган ресурстежамкор янги агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш хозирги куннинг зарур тадбирларидан саналади.

Ҳозирги кунда республикамиз пахтачилигида ресурстежамкор технологияларга талаб ва эҳтиёжларнинг ошиб бораётганлиги сабабли, мазкур технологияда парваришланаётган ўза навларини экиш усуллари, суғориш тартиблари ва чилпиш муддатлари каби муҳим агротадбирлари устида тадқиқот ишларини мунтазам олиб бориш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиб боришни тақозо этмоқда.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Республикамизнинг тупроқ ва иқлим шароитларини эътиборга олган ҳолда янги истиқболли ўза навларини ҳар бир тупроқ-иқлим шароитида синаб кўриш ва ундан мўл, сифатли пахта ҳосили етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш хозирги куннинг талаби ҳисобланади. Бунинг учун навларни танлашда унинг хосилдорлиги, тола чиқими, тола сифатига эътибор бериш талаб этилади. Ана шундай навлардан бири бу ўзанинг Бухоро-102 нави бўлиб, ўрта пишар навлар

¹<https://lex.uz/docs/5841063>.

гурухига мансуб, мавсумий ривожланиш даври 115-125 кунни ташкил этади. Тола чиқими 37-38 %, тола узунлиги 33,0-33,5 мм, тола пишиқлиги 4,4-4,6 гк, нисбий узулиш кучи 26,5-27,0 гк/текс, метрик рақами 6000-6100, микронейри 4,3-4,4, тола типи ИВ тип талабларига жавоб беради.

Ҳар қандай агротехнологияларда ечиладиган бош масала ўсимликларнинг меъёрда ўсиб ривожланиши учун биринчи навбатда сув билан етарли таъминлаш, маъдан ўғитларнинг самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурслардан тежамли фойдаланиш имкониятиларини яратиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Бунда асосий масала тупроқ шароитига қаратилган бўлиб, тупроққа турли ишлов бериш усуллари билан тупроқ намлигини узоқроқ сақлаш эвазига суғоришлар сонини камайтириш билан бирга маъдан ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим тадбир ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Бу муаммолар устида олиб борилган кўп йиллик изланишлар самараси натижасида Андижон вилоятида плёнка остига чигит экиб ғўзадан эртаки ва юқори сифатли пахта ҳосили етиштириш агротехнологияси ўзлаштирилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

Бу борада Андижон вилоятида олиб борилган ПСУЕАИТИ олимлари О.Махмудов, Ғ. Неъматов, С.Бахромов, А.Ҳайдаров, Ашуоров, Ф.Хасановаларнинг дастлабки тадқиқотларида бу усулнинг афзалликлари таърифланиб, исботлаб берилган.

ЎзПИТИ Андижон филиалида сўнгги йилларда ўтказилган дала тажрибаларида плёнка усулида экилган ғўза агротехникасининг озиклантириш ва суғориш тартиблари тадқиқ қилиниб, мақбул меъёрлари ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Жумладан, тажрибалардаги маълумотларнинг кўрсатишича, тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 фоизли суғориш тартибига нисбатан 65-65-60 фоизли суғориш тартибининг барча плёнкали вариантлардаги пахта ҳосили кўпроқ териб олинди. Ҳосилнинг 65-70 фоизини 1-теримда (16-сентябр) териб олишга эришилди. Бунда маъданли ўғитлар меъёри гектарига НПК 200-140-100 ва 150-105-75 кг дан қўлланилган вариантларда ҳосилдорлик 37,7 ва 40,2 ц/га ни ташкил этди (Ҳайдаров, Юсупов, [1, 111-114-б]).

Плёнка усулида экилган ғўза парваришидаги суғориш тартибларини тадқиқ қилган С.Остановнинг таъкидлашича, ўтлоқи бўз тупроқли Самарқанд вилояти шароитида плёнка усулида экилган ғўзаларни 65-65-60 % тартибда суғорилган вариантларда, суғориш оралиғи 19-23 кунни, 70-70-60 фоизли суғориш тартибида эса 15-20 кунни ташкил этди. энг кам сув сарфи плёнка усулида ўстирилган майдонларда кузатилди.

С.И.Махсудовнинг тажрибасига кўра, “Бухоро- 102” ғўза навидан умумий агротехника қоидаларига риоя қилиб, тупроқнинг унумдорлик даражаси ва турига қараб, кўчат қалинлигини гектарига 80-90 минг туп қолдирилганда 36-46 ц/га пахта ҳосили олинган. Бунда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-65% бўлганда, суғориш меъёрлари тупроқ- иқлим шароитларига қараб сизот сувларининг чуқурлигини ҳисобга олинган ҳолда гектарига 800-1200 м³/га, мавсум давомида эса 4000-4800 м³/га сув сарфланган.(2. 359-361-б)

А.Ерматовнинг маълумотига кўра, чигитлар плёнка остига экилганда, очик майдонга экилган назорат вариантга нисбатан, тупроқнинг 5 см қатламида ҳарорат ўртача 4,7 ° С га кўп бўлиши натижасида чигитларнинг униб чиқиши ўртача 3-7 кунга, ғўзанинг

шонлаши, гуллаши 12-21 кунга (йиллик бўйича) кўсакларни очилиши 15-25 кунга тезлашганлигини таъкидлаган. етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми сентябр ойида териб олиниб, гектаридан 11,2-17,1 центнер кўшимча ҳосил олинган (3. 34-б).

МУХОКАМА

Юқоридаги адабиётлар маълумотлардан кўриниб турибдики ғўзага жадал ресурстежамкор технологиялар кўллаб етиштириш бўйича кўплаб олимлар ўз илмий ишларини олиб борган ва тавсияларини берган. Лекин ғўзанинг Бухоро-102 навини Андижон вилояти тупроқ иқлим шароитида ресурстежамкор технологиялар кўллаб етиштириш ҳамда илмий-амалий асосларини яратиш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Юқоридаги илмий тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб биз “Ўзанинг Бухоро-102 навини етиштириш агротехнология элементларини ишлаб чиқиш” мавзудаги дала тажрибаларимизни Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида олиб боришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва тажрибалар олиб бордик.

Дала тажрибалари Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти ўқув тажриба хўжалигининг ўтлоқи тупроқлари шароитида 1-жадвалда келтирилган тизим бўйича олиб борилди.

1-жадвал

Тажриба тизими

| Ва р.№ | Екиш усули | ЧДНС га нисбатан суғориш тартиби,% | Чилпиш муддатлари, ҳосил шохи, дона |
|-----------|------------------|---|--|
| 1 | Очиқ | 70-75- | 12-14 |
| 2 | | 65 | 8-10 |
| 3 | | 65-70- | 12-14 |
| 4 | | 65 | 8-10 |
| 5 | Шаффоф плёнка | 70-75- | 12-14 |
| 6 | | 65 | 8-10 |
| 7 | | 65-70- | 12-14 |
| 8 | | 65 | 8-10 |

Тажрибадаги ҳар бир бўлакча узунлиги 50 м ташкил этиб, 3 ярусда, 3 қайтариқда жойлаштирилади. Жами 8 вариантни ташкил қилади. Вариантлар 8 қатордан иборат бўлиб, бунда икки ёнидан иккитадан қатор химоя вазифасини бажаради, ўртадаги тўрт қаторда эса асосий кузатувлар олиб борилади. Тажрибаларда ғўзанинг экиш схемаси 60 х 15 - 1 тизимда амалга оширилади.

Ўзанинг пахта ҳосилини аниқлаш учун ҳар бир теримда барча вариантлар ва қайтариқлар бўйича ҳисобий қаторлардаги жами очилган кўсакларни пахтаси териб олиниб, унинг оғирлиги аниқланди. Ўзанинг пахта ҳосилдорлиги 2-жадвалда келтирилди.

Жадвал натижаларга кўра ғўзанинг пахта ҳосилдорлиги очиқ майдонга экилган 1-2-3-4-вариантларимизда мос равишда 46,7-32,5-34,8-37,5 ц/га ни ташкил этди. Ўза ниҳоллари плёнка остига экилган 5-6-7-8-вариантларимизда 50,1-46,1-48,9-44,2 ц/га ни

ташқил этди. Юқори ҳосилдорлик ғўза ниҳоллари плёнка остига экилиб, чилпиш муддати ғўзанинг ҳосил шохи 12-14 дона ва суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % бўлган 5-вариантимизда 50,1 ц/га ни ташқил этди. Лекин бу вариантимида суғоришлар сони 7-вариантга нисбатан 1 марта ортиқ ўтказилган бўлиб яъни суғоришлар сони мавсум давомида 3 мартани ташқил этган.

2-жадвал

Қайтариқлар бўйича пахта ҳосилдорлиги. ц/га

| ар № | Вариантлар | | | Ўртача ҳосилдорлик |
|------|------------------|----------------------------|------------------------|-----------------------|
| | Екиш усуллари | Чилпиш муддатлари, дона | ЧДНС га нисбатан, % | |
| . | Очиқ | 12-14 | 70-75-65 | 46,7 |
| . | | 8-10 | | 32,5 |
| . | | 12-14 | 65-70-65 | 34,8 |
| . | | 8-10 | | 37,5 |
| . | Шаффоф плёнка | 12-14 | 70-75-65 | 50,1 |
| . | | 8-10 | | 46,1 |
| . | | 12-14 | 65-70-65 | 48,9 |
| . | | 8-10 | | 44,2 |

Худди шу усулда экилган, чилпиш муддати ғўзанинг ҳосил шохи 12-14 дона ва суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 65-70-65 % бўлганда суғориш ўтказилган 7-вариантимизда ҳосилдорлик 48,9 ц/га ни ташқил этиб, суғоришлар сони мавсум давомида 2 мартани ташқил этган. Ғўзанинг Бухоро-102 навини худди шу усулда экилганда макбул суғориш тартибларини ишлаб чиқилган ҳолда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олиш мумкинлигини кўриш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки ғўза плёнка остига экилганда ғўза ниҳолларининг униб чиқиши очик усулда экилганга нисбатан 5-6 кунга эртароқ бўлганлиги кузатилди. Плёнка остига экилган вариантларимида ғўзанинг ўсиши ва ривожлани учун оптимал шароит яратилганлиги боис ғўза ниҳолларининг униб чиқиши бир мунча жаддалашди, ўсимлик бўйининг ўсиши, шона ҳамда кўсақлар ривожланиши ва

кўсакларнинг очилиши ҳам тезлашди. Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида ғўзанинг “Бухоро-102” навини плёнка остига экиб, суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 65-70-65 %, ғўза ҳосил шохлари 12-14 дона бўлганда чилпиш ишларини ўтказиш мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва мақбул суғориш тартибларини ишлаб чиқиш, ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олиш имконини берар экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.Ҳайдаров., С.Юсупов. Истиқболли ғўза навларини озиклантириш ва суғориш. Андижон қишлоқ хўжалиги институти. Илмий мақолалар тўплами. 1-китоб, Андижон, 2002 йил, 111-114 саҳифа.
2. С.И.Махсудов “Бухоро-102” ғўза навидан юқори ҳосил етиштириш агротехникаси //Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий аослари: Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. 1.Т. –Тошкент, 2007. – Б. 359-361
3. А. эрматов – Чигитни плёнка остига экиш давр талаби. «Мамлакат пахтачилигида янги давр чигитни плёнка остига экиб ҳосилдорликни ошириш» (Андижон, 1997), Тошкент 1997, 34 бет.